



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 2-aprel. Payshanba 38 (31.941)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

БРИФИНГ

31 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб журналистлар учун брифинг ўтказди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки бўйича маълумот берди.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида ўтди 2

ЎЗХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнат қилиш, иш ўринларини очиш билан боғлиқ ташаббусларини қўллаб-қувватлаш партиямиз фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти Сурхондарё вилоят бўлими бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Аёллар ташаббускорлиги

рўзгорга қут-барака олиб келади

— Бугун сафимизда 35 минг нафарга яқин партия аъзоси бўлса, уларнинг 12 минг нафардан ортигини хотин-қиз ташкил қилади, — дейди «Фаол аёллар» қаноти Сурхондарё вилоят бўлими етакчиси Нилуфар Шайманова. — Опа-сингилларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, ишга жойлашиши доимий эътиборимизда. Шу мақсадда ўтган йили Термиз шаҳри, Жарқўрган, Денов, Қизилқум, Термиз ва бошқа туманларда йигирмадан ортиқ учрашув, семинар-тренинглар ўтказилди. Ўқувларда хотин-қизларнинг мустақил иш бошлашлари учун зарур ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Яқинда Термиз ва Қизилқум туманларида ташкил этилган тадбирларда мутахассислар мустақил иш бошлаш ниятидаги хотин-қизларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтаришди, қонунчиликдаги меъёрлар, яратилган шарт-шароитлар хусусида маълумотлар берилди.

— Туманимизда 94 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди ЎЗХДП Термиз туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси

Дилбар Мухамматова. — Жойларда кичик бизнесга ихтисослашган 140 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари ишга туширилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши эвазига «Дўстлик», «Истиқлол», «Корахон», «Кўнгли юрт» ва бошқа маҳаллаларда 500 дан ортиқ хотин-қиз бандлиги таъминлангани алоҳида таъкидлаш лозим.

— Хар бир оиланинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб иш олиб бораётгани фаровонликка хизмат қилмоқда, — дейди Термиз туманидаги «Пахтаобод» кишлоғида истиқомат қилувчи партиямиз фаоли Махфират Шарипова. — Бугун маҳалламиз ҳудудида чорвачилик, паррандачилик, боғдорчиликдан яхшигина даромад олинмоқда. Касаначилик, сервис хизмати кўрсатиш йўналишлари барқарор ривожланмоқда. Яқинда биз ҳам иссиқхона ташкил қилдик. Лимон, гул қўчатлари ва полиз маҳсулотларини даромад оляпмиз.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

ЎЗХДП Сайловолди дастуридан

ЎЗХДП АХБОРОТ-МАЪРИФАТ ХОНАСИДАН РЕПОРТАЖ

Фаргона вилоят партия кенгаши ўтказаятган сиёсий ўқувларда асосий эътибор ЎЗХДП мафкураси, дастурий мақсад ва вазифалари тарғиботида қаратилмоқда.

«Келгуси машғулотни кутаман...»

«Истиқбол» ёшлар қаноти бўлими ташкил этаётган ўқувларда сиёсий технологиялардан кенг фойдаланишга, мавзунинг тахлили жихатларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, яхши самара бермоқда. Тадбирлар бахш мунозараларга бой ўтмоқда, ёшларда эркин фикрлаш, воқелик ва гоёларга шахсий муносабат билдира олиш кўникмаси тобора кучайиб борапти.

Ана шундай ўқувларнинг бири Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиали талабалари, ёш ўқитувчилар, партия фахрийлари иштирокида ўтказилди.

Бугунги ўқувимизда аввалдан тайинланган маъруза ҳам, маърузачи ҳам йўқ. Фақат мавзунинг таълиқиди, — дея машғулоти бошлади «Истиқбол» ёшлар қаноти Фаргона вилоят бўлими етакчиси Шохрух Уктамов. — Биз вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни муҳокама этамиз. Фикрлаш учун беш дақиқа вақт ажратилди.

Ахборот-маърифат хонаси бирдан жонланиб кетди. Ўқув иштирокчилари — ёшлар бир-бирлари билан маслаҳатлашишга, ўз хулосаларига ҳамфикрлар топишга киришди.

Давоми 2-бетда.

«Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!»

РЕСПУБЛИКАМИЗДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ХУСУСАН, УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ, ЁЛФИЗ КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРГА МОДДИЙ, МАЪНАВИЙ, ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА. 2

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

САЙЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИ — ВАТАНГА ФИДОЙИЛИК ИФОДАСИ

Масару НАКАМУРА,

«Фукуока-Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси президенти, Фукуока шаҳри сайлов қўмитаси аъзоси (Япония):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бўлдим. Сайлов очик, ошқора, ҳалол ва ҳаққоний, уюшқоқлик билан ўтди.

Сайловларнинг муқобиллик асосида ўтиши демократиянинг муҳим талабларидандир. Ўзбекистонда ўтган Президент сайловида тўрт нафар номзод иштирок этганининг ўзиёқ бу тамойилга қатъий амал қилинганини кўрсатиб турибди. Сайлов Ўзбекистон халқининг сиёсий ва ҳуқуқий савияси қанчалик юқори эканини жаҳон жамоатчилиги олдида аққол намоеён этди.

Ўзбекистон сайлов тизи-

мида ўрнатилган арзигулик кўплаб жихатларни кўрдим. Сайлов участкаларида сайловчилар ва кузатувчилар учун яратилган қўлайликлар, зарур ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт, она ва бола хоналари ҳамда бошқа шарт-шароит бунга ёрқин мисолдир.

Сайловни кузатиш асосида яна бир жиҳат эътиборимни тортди. Сайловга келиш имкони бўлмаган кекса ва бемор кишиларнинг турган жойига махсус кўтилар олиб борилгани мамлакатингизда инсон манфаатлари, сайлов ҳуқуқларини таъминлашга қатъий эътибор қаратилишининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Зенонас ВАЙГАУСКАС,

Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

— Ўзбекистонда Президент сайлови юксак савияда ўтди. Сайлов участкалари комиссиялари аъзолари овоз бераётган фуқароларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди. Сайловчилар фаоллиги билан, эмин-эркин овоз берди.

Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этгани, куннинг биринчи ярмигача сайловчиларнинг 70 фоиздан ортиғи овоз бериб бўлгани эътиборга сазовор. Бундай фаоллик

халқингизнинг ўз Ватанига фидоийлигини кўрсатади.

Президентликка номзодларга сайлов кампанияси давомида тенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш тажрибасидан ўрнатилган арзиди. Биз ҳам бу борада мамлакатингиз соҳа мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашишдан, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Вижан ЖОЛЛИ,

«Бхаратия Жаната» партиясининг ташқи алоқалар бўлими мувофиқлаштирувчиси (Ҳиндистон):

— Ўзбекистон мустақиллик йилларида саноатлашган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги барча соҳада изчил тараққий этиб, мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда Президент сайлови демократик

тамомийлар, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, очик ва ошқора руҳда ўтди. Айниқса, фуқароларингизнинг сиёсий фаоллиги, сайловда ўзи истаган номзодга овоз беришга қатъий эътибор билан жиддий ёндашгани ҳавасимни келтирди. Бу Ўзбекистон аҳолисининг маънавияти, сиёсий, ҳуқуқий билим ва маданияти юксак эканидан далolatдир.

Алиқайдар РЗАЕВ,

халқаро кузатувчи (Бирлашган Араб Амирликлари):

— Мамлакатингиз ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Ўзбекистон ёшларининг фаоллиги, юрт равнақиға камарбаста экани, одамларнинг ҳаётдан розилиги ва эртанги кунга ишончи менда қатъий таассурот қолдирди. Бу жиҳатлар Президент сайловида ҳам намоеён бўлди.

Халқингизнинг тарихга эҳтироми, миллий қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш, маданий ёдгорликларни асраб-авайлашга эътибори ҳурматга лойиқ. Бунга мен Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш асосида яна бир қарра амин бўлдим. Мазкур қадимий ва фусункор шаҳар жози-

басидан руҳландим.

Ўзбекистонда автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳаларининг изчил ривожланаётгани мамлакатингиз иқтисодий салоҳиятини янада оширмоқда. Ўзбекистон халқаро савдо алоқаларида муҳим роль ўйнамоқда, юртингиз бизнес ва логистика марказларидан бирига айланимоқда.

Ўзбекистон буюк истиқболга эришишига, тараққиётингиз янада юксалишига ишонамиз.

ЎЗА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ
фуқароларни қийнаётган муаммоларни
ҳал этиш, одамларнинг партияга
ишончини оширишга хизмат қилувчи
муҳим институтдир

ЎЗХДП бошланғич
ташкilotидан репортаж

БРИФИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида ўтди

— Кун кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайлов натижалари эълон қилинди, — деди партия етакчиси. — Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, сайлов кампаниясининг барча босқичларида сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларга тенг имкониятлар яратиш тамойилига қатъий риоя қилинди.

Партиямиз сайловдаги иштироки давомида қўнунчилигимизда белгиланган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилди.

Сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ЎзХДП Марказий Кенгаши

САЙЛОВ ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИГИ ЮКСАЛИБ, ФУҚАРОЛАРИМИЗДА ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ КУЧАЙГАНЛИгини Кўрсатди.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

хузурида Марказий сайлов штаби, партиянинг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳудудий штаблар ташкил этилди. Уларга партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши билан боғлиқ барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

Номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида 14 нафар ишончли вакил тайинланди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдаги ташвиқотига рухсат берилган кундан бошлаб қўнунчилигимизда белгиланган тартибда номзод-

нинг сайловолди ташвиқоти олиб борилди. Жойларда партиядан кўрсатилган номзод ва унинг ишончли вакиллари билан учрашувлар юқори даражада ўтишида сайлов округлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан барча шарт-шароитлар яратилди.

Бу, ўз навбатида, номзоднинг 14 та сайлов округида уч ярим минг нафардан ортиқ сайловчилар билан бевосита учрашувлар ўтказиш имконини берди. Номзоднинг ишончли вакиллари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида 194 та учрашув ўтказди. Уларда қарийб 28 минг нафарга яқин сайловчи иштирок

этди.

Таъкидлаш керакки, мазкур сайлов кампаниясида барча сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг имкониятлар яратилди. Сайловолди тарғиботи доирасида республика босма нашрларида материаллар чоп этилди ҳамда электрон босма нашрларга жойлаштирилди. Хусусан, партия веб-сайтида, бошқа интернет сайтларида бир қатор материаллар чоп этилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда сайлов жараёни очиқлик ва ошкоралик каби демократик тамойиллар асосида ўтганидан далolat беради. Шунингдек, сайлов халқимизнинг иж-

тимоий-сиёсий фаоллиги юксалиб, одамларда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайганини кўрсатди.

Биз сайловда 2,92 фоиз овоз олдик. Аввало, партиямиздан кўрсатилган номзодни қўллаб овоз берган барча сайловчиларга миннатдорлик билдирамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган сайлов натижаларини тўлиқ тан олади. Партиямиз таъкидлайдики, сайлов жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисидаги қўнунчилик бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар кузатилмади. Сайловда овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнини партиямиздан тайинланган 9003 нафар кузатувчи кузатиб борди.

Сайлов жараёнидаги учрашувлар партиямиздан кўрсатилган номзод дастурида белгиланган вазифалар аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини етарли даражада қамраб ололмагани ҳамда уни янада тақомиллаштириш, янги-янги ташаббуслар билан фаолиятимизни янада кучайтиришимиз лозимлигини кўрсатди.

Биз келажакда мазкур дастурни тақомиллаштириш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб оламиз ва уни амалга ошириш учун мавжуд вақолатлардан фойдаланамиз. Электратимиз манфаатларига оид масалаларни хал этишда фаол иштирок этамиз.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.

ЎзХДП АХБОРОТ-МАЪРИФАТ ХОНАСИДАН РЕПОРТАЖ

«Келгуси машғулоти кутаман...»

— Биз бу мавзунинг тўсатдан эълон қилмадик, — дейди **Шохруҳ Ўқтамов**. — Аввалги машғулотида иштирокчилар мавзуга оид видеолавҳалар билан таништирилган. Ёшларимиз шу асосда вилоятимиздаги кўрсаткичлар, эришилган натижалар ҳақида фикр юритиши керак.

Ўқув жараёнини кузатиш, ёшлар жавоби, уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, муносабат билдириш учун халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси Топволди Холдоров таклиф этилганди.

— Очиғи, сиёсий ўқув бундай ўзига хос усулда олиб борилишини кутмаганим, — дейди у. — Ёшларни қаранг, тезда бир неча гуруҳларга бўлиниб, бир-бирлари билан баҳслашиб, фикрлашиб, ижодий изланиш-япти. Энди менга ҳам тайёрлаб келган маърузам керак бўлмай қолди. Улар билан баҳсга киришишга тайёрланам.

Берилган вақт ҳам тугади. Иштирокчилар бирин-кетин сўз сўраб қўл кўтара бошлади.

— Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб, жойларда саноат, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормоқда. Бу жуда қувонарли ҳолдир, — дейди **Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали 3-курс талабаси Искандар Турсунов**. — Буни вилоятимиз мисолида таққосладиган бўлсак, қатор яхши кўрсаткичларга эришилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, ҳудудий маҳсулот ҳажми, саноат ишлаб чиқариш, бажарилган пудрат ишлари салмоғи анча юқори. Хўш, биз, ёшлар бунга қандай ҳисса қўшишимиз мумкин? Менимча, партия вилоят кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти талабаларини шу мақсад йўлида бирлаштириши керак. Биз ёзги таътил вақтида шаҳар-туманлардаги долзарб объектлар қурилишида иштирок этсак, капитал маблағлар ўзлаштирилишига ҳисса қўшган бўламиз ҳамда мустақил ҳаёт сабоғини оламиз.

Залда ўтирган ёшлар бу таклифни қўллаб-қувватлашди.

Шохруҳ Ўқтамов ва Топволди Холдоров ўзаро бир муддат маслаҳатлашиб олган, бирин-кетин сўз олишди:

— Биз бу таклифни ишлаб чиқамиз ва 2015 йилда вилоятимизда талабалар меҳнат жамоалари сонини икки баробарга кўпайтирамиз.

— «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ҳар бир

— Ёшларимиз қанчалар билимли ва масъулиятли эканидан қувончим ичимга сиғмаяпти. Барча машғулотларда депутатлар, партия фахрийлари иштирокини албатта таъминлаймиз.

ёшлар меҳнат жамоасига биттадан тажрибали фахрий қурувчини бириктиради.

Жавобдан завқланиб кетган ўқув иштирокчилари бу таклифни ҳам қарсаклар билан маъқуллашди.

Очиғи, модератор энди кимга сўз беришни ҳам билмай қолганди. Сабаби, ўтирганларнинг барчаси қўл кўтариб турарди. Ўқув машғулоти чоғида **Фаргона компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ўқитувчиси Шерзод Тошматов**, **Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчиси Абдумалик Абдуқодиоров**, талабалар — **Жўрабек Қодиоров**, **Диёрбек Абдуллаев** каби ўн нафардан ортиқ ёшлар мавзу юзасидан ўзларининг таҳлилий фикрлари, амалий таклифларини билдирди.

— Ёшларимиз қанчалар билимли ва масъулиятли эканидан қувончим ичимга сиғмаяпти, — деди **Топволди Холдоров** ўқув якунида. — Барча машғулотларда ЎзХДПдан сайланган вилоят ва шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, партия фахрийлари иштирокини албатта таъминлаймиз. Бу бир жиҳатдан биз учун ҳам фойдали бўлади, деб ҳисоблайман.

Партия фаоли мавзу юзасидан ёшларнинг жавобларини юқори баҳолади, ҳар бир нотикнинг ютуқларини таъкидлаб, вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ишлаб чиқаришдаги модернизация, қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар, маънавий-маърифий тадбирлар ҳақида сўзлади.

— Мен сиёсий ўқувда илк бор қатнашдим ва у бунчалик қизиқарли ўтади деб кутмаган эдим, — дейди **Фирдавс Қодиоров**. — Энди келгуси машғулотларни ҳам қизиқиш билан кутаман.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ХИМОЯСИ ЙЎЛИДАГИ НАВБАТДАГИ ЯНГИ ЛОЙИХА

«Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!»



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ушбу лойиҳа доирасида Тошкент шаҳар кенгаши билан биргаликда Чилонзор тумани «2-Чарк Камолон» маҳалласида тадбир ўтказди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар, туман партия кенгашлари масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, йирик бошланғич

партия ташкилотлари етакчилари, маҳалладаги ёши улуг кишилар ҳамда электорат вакиллари иштирок этди.

Тадбирда кексаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бу борада меъёрий-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуг инсонларга давлат хизматлари кўрсатишнинг қулай тизимини шакллантириш масалаларида фикр алмашилди.



Шукрат ТУРСУНБОВЕВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:



Ўткир ЭРМАТОВ,
«Нуроний» жамғармаси
Тошкент шаҳар бўлими
кенгаши раиси ўринбосари:

— Республикада кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларни ёъозлаш, уларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш — долзарб масала.

Биз фаолиятимиз доирасида биринчи навбатда фахрийлар ва ёши улуг кишиларга тиббий ва ижти-



Акмал ТУРСУНБОВЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири:

— Кексаларга алоҳида ҳурмат, эътиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини ас-

раш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш эзгу қадриятдир. Биз «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси орқали мана шу эзгу мақсадларни изчил амалга оширишни режалаштирганимиз.

Хусусан, жорий йилда ёлғиз кексалар, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари белгиланган режалар асосида иш бошлади. Партиямиз маҳаллий кенгашлари томонидан ёлғиз кексалар,

пенсионерлар ҳолидан ҳабар олинмоқда, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш бўйича чоралар кўриляпти. Айниқса, олис ҳудудларда ўтказилаётган мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирларда кексаларни ўйлантираётган масалалар чуқур ўрганилиб, шу асосда тегишли ташкилотларга маълумотлар тақдим этиляпти. Бу ишлар ёши улуг отахон-онахонларимизнинг оғирини енгил қилишда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

■ 29 МАРТ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИДА 91 ФОИЗДАН ОРТИҚ САЙЛОВЧИ ИШТИРОК ЭТДИ ВА ФУҚАРОЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА БЕФАРҚ ЭМАСЛИгини ЯНА БИР БОР АМАЛДА ИСБОТЛАДИ.



■ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР САЙЛОВЛАРИНИНГ ТЕНГЛИК, ШАФФОФЛИК ВА ДЕМОКРАТИК АНДОЗАЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛГАНINI АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИШДИ.

